

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОЛИМОВА ГУЛҲАЁ ШАМШЕР ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА ЭРТА ТАШХИСОТ
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Олимова Гулҳаё Шамшер кизи

Ўсмирларда сурункали буйрак касалликлари ривожланиши хавф омиллари
ва эрта ташхисот жиҳатларини баҳолаш..... 3

Олимова Гулҳаё Шамшер кизи

Оценка факторов риска и аспектов ранней диагностики хронической
болезни почек у подростков..... 23

Olimova Gulhayo Shamsher qizi

Assessment of risk factors and aspects of early diagnosis of chronic kidney
disease in adolescents..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ОЛИМОВА ГУЛҲАЁ ШАМШЕР ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА ЭРТА ТАШХИСОТ
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро -2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3757 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Нилуфар Шариповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурбоев Фармон Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Равшанбек Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Белорусия Республикаси Витебск
давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси, 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каримова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ўсмирлик даври инсон ҳаётида физиологик ўсиш, гормонал ўзгаришлар ва турмуш тарзи шаклланадиган муҳим босқич ҳисобланади. Бу даврда юзага келадиган модификацияланадиган хавф омиллари — семизлик, гипертония, метаболик синдром, нотўғри овқатланиш ва нефротоксик таъсир этувчи моддалар билан эрта тўқнашиш — буйрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жаҳон аҳолисининг тахминан 20 фоизини ўсмирлар ташкил этади. Ўсмирлар дунё аҳолисининг муҳим қисмини ташкил қилса-да, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва фаровонлигини таъминлаш, шу жумладан сурункали буйрак касаллиги (СБК) бўйича саъй-ҳаракатлардаги номутаносиблик ҳали ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. СБКни эрта аниқлаш бўйича чоралар ўсмирлар орасида анча кам амалга оширилмоқда, эҳтимолки, бу ҳолат катталар орасида касалликлар юқи юқорида экани билан боғлиқ. Ўсмирларда нефропатиялар — бу нефрология соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир. Ўз вақтида ташхис қўйиш ва эрта даволаш чораларини кўриш, касалликнинг сурункали буйрак етишмовчилигига ўтиши, ногиронлик ва ёшлик даврида ёрдамчи буйрак терапияси (гемодиализ)га эҳтиёж пайдо бўлишининг олдини олади (Solis-Herrera, Carolina et al., 2024). Болалар ва ўсмирлар орасида сурункали буйрак касаллигининг тарқалиши тахминан 11% ни ташкил этади. Илмий тадқиқотлар бу касаллик сабаблари 74.6% буйракнинг туғма патологиялари, 24,3% эса орттирилган нефропатиялар билан боғлиқлигини кўрсатган (Иванова И.Е., 2014).

Жаҳон соҳлиқни сақлаш ташкилоти статистик маълумотларига асосан ўтган ўн йилликда (2007–2016 йй.) 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган ёшлар орасида диализга муҳтожлик даражаси 57% га ўсган бўлиб, бу кўрсаткич 65 ёшдан катта аҳолидаги (35%) ўсишга нисбатан анча юқори бўлгани қайд этилган¹. СБК ва терминал буйрак етишмовчилиги узоқ муддатли касалликлар ҳисобланади, шунинг учун юқоридаги ёш гуруҳида касаллик ўсмирлик даврида бошланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбекистонда ўтказилган скрининг натижаларига кўра (2012) болалар, ўсмирлар ва катталар орасида диабетик нефропатиянинг аниқ ифодаланган протеинурия билан кечувчи ҳолатлари нисбатан камайган бўлса-да, ҳали ҳам юқори даражада сақланиб қолмоқда (Рахимова Г.Н., 2020). Жумладан, болаларда – 5,28%, ўсмирларда – 11,1%, катта ёшдаги беморларда – 25,9% ни ташкил этган. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. “...Юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларини олдини олиш, эрта ташхислаш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича профилактика қилиш....” каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида кенг тарқалган, хусусан юрак қон-томир

¹ Nakamura, J., Kaseda, R., Takeuchi, M. et al. Adolescents and parents' knowledge of chronic kidney disease: the potential of school-based education. Clin Exp Nephrol 29, 2025. P. 292–300. <https://doi.org/10.1007/s10157-024-02574-8>

касалликлари ва уларнинг оғир асорати бўлган СБК чалинган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, умр давомийлигини узайтириш имкониятини яратади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони², 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124–сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий–санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ўсмирлар орасида СБК тарқалиши ҳар 100 000 ўсмирга ўртача 74–110 ҳолатни ташкил этади. АҚШ ва Европа мамлакатларидаги маълумотларга кўра, болалар ва ўсмирлар орасида СБКнинг энг кенг тарқалган сабаблари туғма аномалиялар, нефротик синдром ва гломерулонефритлар ҳисобланади (Warady VA et al., 2015; Harambat J. et al., 2012). Ўсмирлардаги СБК — бу тез суръатда ортиб бораётган тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, кўпинча нефропатияларнинг эрта ривожланиши, туғма аномалиялар, метаболик бузилишлар ва ташқи салбий омиллар таъсири билан боғлиқ. Айни пайтда, ўсмирлар ҳаёт тарзи, овқатланиш одатлари ва нефропатиялар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи замонавий тадқиқотлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Бундай тадқиқотлар профилактик чора-тадбирлар ва эрта диагностика стратегияларини такомиллаштириш учун катта амалий аҳамиятга эга (Debra Braun-Courville, Sarah Holliday, Neerav Desai, 2024). Сурункали буйрак касалликлари (СБК) болалар ва ўсмирлар саломатлиги учун долзарб муаммолардан бири бўлиб, дунё бўйича 10–19 ёшдаги болаларнинг 11–13% гача ушбу касалликнинг илк босқичларига дуч келиши мумкин (Becherucci F. et al. (2023)).

Болалар ва ўсмирлар орасида СБКнинг глобал тарқалиш даражаси тахминан 15–74 киши/1 миллион атрофида бўлиб, у нисбатан паст саналади. Бироқ болалар семизлиги ва метаболик бузилишлар кўпайиб бораётган ҳудудларда бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга. Эрта нефропатия кўп ҳолларда симптомсиз кечади, аммо катта ёшда буйрак фаолиятининг тезлашган пасайишига олиб келади (Sun P., Ming X., Song T., Chen Y., Yang X., 2019). Ўсмирларда СБК ривожланиши патогенетик жиҳатдан мультиомилли мураккаб жараёндир. Энг аввало ўсмирлик даври – эндокрин тизимдаги йирик қайта қурилиш жараёнлари билан характерланади (Ogden et al., 2022).

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Нурматов И.А., Шарипова С.Ш. (2020)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Тошкент шаҳрида болаларда СБК ва нефротик синдромни эрта аниқлаш бўйича амалий тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек Абдурахманова Д.М. (2021) ўсмирларда семизлик, гипертония ва глюкоза алмашинуви бузилишларининг буйрак функциясига таъсири мавзусида илмий изланишлар олиб борганлар. Садиқова А.С., Раҳимова Г.Н. (2021) томонидан Ўзбекистон Республикасида 1-тип қандли диабетга чалинган болалар ва ўсмирларда сурункали буйрак касалликлари эпидемиологияси ва жинсга боғлиқ тарқалиши ўрганилган. Каримжанов И.А., Раҳманова Л.К. (2023) томонидан болаларда СБК ривожланишида иммунопатологик хусусиятларнинг роли таҳлил қилинган. Ўсмирларда нефропатиялар — бу нефрология соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир. Ўз вақтида ташхис қўйиш ва эрта даволаш чораларини қўриш, касалликнинг сурункали буйрак етишмовчилигига ўтиши, ногиронлик ва ёшлик даврида ёрдамчи буйрак терапияси (гемодиализ)га эҳтиёж пайдо бўлишининг олдини олади (Ikramov A. Sh., Akhmedova N. Sh., Sulaymonova G. T., 2024). Ўсмирларда нефропатия ривожланишига таъсир қилувчи генетик мойиллик ва атроф-муҳит омиллари сўнгги йилларда кўплаб илмий тадқиқотлар марказида бўлиб келмоқда. Бу икки йўналиш СБК патогенезини индивидуаллаштирилган профилактика ва даволаш учун яхшироқ тушунишга хизмат қилмоқда.

Диссертация мавзусининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий – тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023 PhD.110) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ўсмир ёшдагиларда СБК ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини аниқлаш, уларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлар билан боғлиқлигини баҳолаш асосида касалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш чора тадбирларини мувофиқлаштириш

Тадқиқот вазифалари:

ўсмирларлар орасида сурункали буйрак касалликлари тарқалиши даражаси ва турларини аниқлаш.

ўсмирларда нефропатия ривожланишига олиб келувчи модификацияланган (ёш, жинс) ва модификацияланмаган (метаболик, ҳаёт ва яшаш) хавф омилларини таҳлил қилиш.

ўсмирларда буйрак шикастланишини эрта аниқлашда қўлланиладиган лаборатор маркерлар самарадорлигини баҳолаш.

аниқланган хавф омиллари асосида ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги профилактикаси ва эрта ташхисоти учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2023-2024 йилларда Бухоро вилоят Бухоро шаҳридаги 1 ва 6-сон шаҳар оилавий поликлиникалари ва Вобкент туман ТТБга қарашли 11-сон оилавий поликлиника ҳудудида яшовчи 791 нафар ўсмир ўрганилган. Уларнинг барчасидан СБК ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари ва унинг клиник белгиларини аниқлашга мўлжалланган анкета сўровнома олинган. Сўровнома таҳлилидан сўнг 380 нафар ўсмир тадқиқотнинг кейинги босқичига жалб қилинган. Назорат гуруҳи сифатида 40 нафар кўнгилли

соғлом ўсмирлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўсмирлардан олинган анкета сўровнома, веноз қон зардоби, плазмаси ва бир марталик сийдик олинган.

Тадқиқотнинг текшириш усуллари. Диссертация ишида анамнестик сўровнома, қон клиник ва биокимёвий таҳлили (Ca, Na, Zn, C-реатив оқсил), сийдик таҳлили, ИФА (цистатин С, витамин D), статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги ривожланиши аксарият ҳолларда клиник белгилари сезилмасдан, яширин (subclinical) ҳолатда кечиб, касалликни клиник симптомларга асосланиб аниқлаш имконияти пастлиги, эрта ташхисот учун хавф омиллари скрининги ва мақсадли ёрдамчи лаборатор усулларни қўллашга эҳтиёж борлиги асосланган;

хавф омилларининг ишонч интервали ва БКФТ кўрсаткичи билан боғлиқлик корреляциялари ҳисобланиб, улар асосида ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги хавфини баҳолаш интеграл баҳолаш индекси (IRI) ишлаб чиқилди, ҳамда $IRI \geq 7.6$ балл бўлган ўсмирларда нефропатия ривожланиш эҳтимоли 3–4 баробар юқори эканлиги асосланган;

ўсмир ёшдагиларда кальций танқислиги ($OR = 2,74$; $\chi^2 = 37.6$), C-реактив оқсил юқорилиги ($OR = 1.63$; $\chi^2 = 9.51$), витамин Д танқислиги ($OR = 1,97$; $\chi^2 = 6,48$) ва рух танқислиги ($OR = 1.24$; $\chi^2 = 4.31$) сурункали буйрак касаллигини ривожланишини башоратловчи кучли лаборатор предикторлар эканлиги исботланган;

ўсмир ёшдагиларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини башоратловчи хавф омиллари ва лаборатор маркерларга асосланган хавф индексини шкаласи ва нефропатияларни эрта аниқлаш ва олдини олишнинг поғонали мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги ривожланиши хавф омилларини аниқлаш ва прогнозлашда ташхисотнинг лаборатория кўрсаткичларига асосланган ноинвазив усули юқори информатив ташхис ва башоратловчи маркер эканлигига асосланди ҳамда унинг қулай, ишончли маркер сифатида самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий ёндашув ва услубларни қўллаш, назарий маълумотлар ҳамда олинган натижаларнинг асослилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий аниқлиги, маълумотларни замонавий статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек, етарли миқдордаги беморлар текшируви, тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар билан таққослаш ва эришилган натижаларни таҳлил қилиш, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шундаки, ўсмир ёшдагилар орасида сурункали буйрак касаллиги тарқалганлиги, уни келтириб чиқарувчи хавф омиллари, ўсмирлардаги нефропатиянинг ўзига хос клиник патогенетик жиҳатлари ҳақида аниқ маълумот беради. Ўсмирлар орасида СБК ни эрта аниқлаш ва олдини олиш самарадорлигини баҳолаш тавсия этилганлиги билан

изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши ўсмирлар орасида СБК ривожланишини эрта ташхислаш, олдини олиш имкониятини яратади. Улардан фойдаланиш беморларни шифохоналарга қайта ётиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳолатларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошириши ҳамда умр кўриш давомийлигини узайтишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш. Ўсмирларда сурункали буйрак касалликлари ривожланиши хавф омиллари ва эрта ташхисот жиҳатларини баҳолаш натижасида олинган илмий хулосалар асосида:

Ўсмирлар орасида сурункали буйрак касалликларини ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини баҳолаш ва хавф гуруҳини аниқлаш, касалликни эрта аниқлашнинг клиник ва лаборатор усулларини такомиллаштириш ва унинг амалий аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Ўсмир ёшдагиларда турли этиологияли нефропатияларни ташхислашнинг такомиллаштирилган лаборатор усули” деб номланган услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг кенгашининг 2025 йил 30 январдаги 25-м/018 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўсмир ёшдаги аҳоли ўртасида турли этиологиялар натижасида келиб чиққан сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш мақсадида лаборатор усуллар ёрдамида эрта баҳолаш имконини яратган.

Ўсмирларда нефропатиялар ривожланишини башоратлаш ва эрта ташхислаш самарадорлигини такомиллаштириш тамойиллари соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси (15.02.2025 й; № 245-2-42-ТВ/2025); Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (13.02.2025 ; № 472-2-208-ТВ/2025) клиник амалиётга тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 20 мартдаги 14\11-сон хулосаси). Унинг натижасида ўсмирларда касаллик ривожланишини башоратловчи лаборатор маркерлар асосида нефропатияларни эрта аниқлаш, бирламчи тиббий бўғин шароитида ўсмирлар орасида сурункали буйрак касаллиги ривожланишини олдини олишнинг поғонали мезонлар тизими ишлаб чиқилган ва уларнинг ҳаёт сифати ижобий томонга ўзгариши кузатилган.

Биринчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўсмир ёшдагилар орасида СБК келиб чиқишига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш муҳим аҳамиятли бўлиб, букасалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш самарадорлигига таъсир қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўсмир ёшдагиларда СБК ривожланишини олдини олишда хавф омилларини аниқлаш ва бартараф этиш орқали катта ёшдаги аҳоли орасида СБК ва унинг оқибатидаги асоратлар камайишига эришилади. Ўсмирлар орасида СБК эрта аниқлаш уларнинг амбулатор ва стационар мурожаатини кайтириш ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағлардан 148 910 сўм иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса. Ўсмирлар орасида СБК ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш самарадорлиги исботланганлиги, нефропатия ривожланишини башоратлаш, олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади ва 148 910 сўм иқтисодий

самарадорликка эришилган.

Иккинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ўсмир ёшдагилар орасида уларни СБК ривожланиши хавф гуруҳларига ажратувчи прогностик матрица ва жадвални қўллаш симптомсиз кечаётган нефропатияларни эрта аниқлаш имконини яратади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: СБК ривожланишини башоратловчи хавф гуруҳини эрта аниқлаш ва профилактика қилиш эвазига нефропатиянинг оғир клиник даражалари даврида даволашга сарфланадиган харажатларни қисқартириш натижасида ҳар бир бемор учун бир йил давомида бюджет ҳисобидан 648 104 га иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса. Ўсмирлар орасида СБК эрта аниқлаш ва зўрайишини олдини олиш, унинг профилактикасига эришиш имкониятини беради.

Учинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўсмирларда СБК ривожланишини эрта ташхислашда прогностик хусусиятга эга лаборатор маркерларни қўллаш орқали уларда буйрак фаолияти бузилиши зўрайиб бориши ва асоратланиши олдини олишга эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: СБК ривожланишини башоратловчи ва эрта баҳоловчи лаборатор кўрсаткичларни эрта аниқлаш учун 178 900 минг сўм сарфланади, бу СБК ривожлангандан кейин қўлланиладиган ташхисот ва даво харажатларидан 6,3 баравар арзон бўлиб, ҳар бир нафар беморга бир йилда бюджет ҳисобидан 496 600 сўм, миқдордаги харажат иқтисод қилишга эришилган. Хулоса. Ўсмирлар орасида СБК ривожланишини эрта аниқлашнинг арзон ва самарали усулларини қўллаш ҳисобидан ҳар бир бемор учун 496 600 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўсмирлар орасида СБК ривожланишини эрта аниқлаш, шунингдек, унинг асоратланишини олдини олишга мўлжалланган прогностик алгоритм тавсия этилади, СБЕ профилактикасига, тиббий текширувлар самарадорлиги ошишига эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат хавф индекси ва мезонли алгоритм тадбиқ этилгунча СБК ривожланишини ташхислаш кечикиши, асоратлар билан кечганда ташхис қўйиш, даволашга қаратилаган чора тадбирлар учун бир йилда ўртача 2 795 211 сўм сарфланган бўлса, тавсиянома тадбиқ этилгач, бу харажатлар 1 018 300 сўмгача камайди. Тадқиқотлар бўйича ушбу чора тадбирлари бўйича ўтказилган усуллар бир бемор учун бир йилда ўртача 1 776 911 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса. Ўсмирлар орасида буйрак фаолияти бузилишини эрта аниқлаш, башоратлаш, хавф омилларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга ҳамда ушбу чора тадбирлар асосида ҳар бир бемор учун 1 776 911 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси

хорижий журналларда ҳамда 4 та тезис, улардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсмир ёшдагиларда сурункали буйрак касаллиги: тарқалиши, хавф омиллари ва диагностик ёндашувлар**» деб номланган биринчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб уларда адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Унда ўсмирлар орасида СБК тарқалиши, эрта ташхисоти, даво ва профилактика муаммолари бўйича замонавий манбаалар таҳлили келтирилган. Бу бобда адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Ўсмирлар орасида СБК тарқалганлиги ва хавф омиллари учраш даражасини ўрганиш мақсадида турли ҳудудий ва ижтимоий шароитда яшайдиган ўсмирлар жалб қилинган. 2023 -2024 йилларда Бухоро шаҳридаги 1 ва 6 сон ОП ҳамда Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 11 сон оилавий поликлиника ҳудудида доимий истиқомат қилувчи жами 791 нафар ўсмирларда поликлиникаларда ўсмирларни профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш жараёни мобайнида сўровнома ўтказилди.

Ушбу тадқиқот иши 3 босқичда амалга оширилган:

1-босқич. “Сурункали буйрак касалликларини ривожланиш хавфини аниқлаш бўйича сўровнома” ўтказиш.

2 - босқич. Скрининг текширувлари (креатинин асосида Шварц формуласи ёрдамида БКФТ аниқлаш).

3 - босқич. Сўровнома ва скрининг асосида танлаб олинган тадқиқот гуруҳида чуқур лаборатор таҳлиллар ўтказиш, материални қиёсий таҳлил қилиш ва статистик ишлов бериш.

Тадқиқот гуруҳларини шакллантиришда 380 нафар тадқиқот иштирокчиси 2 гуруҳга ажратилди.

- 216 нафар (56,8%) — БКФТ сақланган ҳолда СБК ривожланишига оид хавф омиллари мавжуд гуруҳ
- 164 нафар (43,2%) — СБК ривожланиши хавф омиллари фонида турли даражадаги СБК аниқланган гуруҳ.

Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган



1- расм Тадқиқотга жалб этилган ўсмирларнинг ёш ва жинс бўйича таркибий маълумотлари

Рақам кўрсаткичларини статистик таҳлили: тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда SPSS 17.0 (SPSS Inc., Chicago, IL) пакетли компьютер дастури ишлатилди. Жадвалларда келтирилган барча кўрсаткичларнинг ўртача стандарт ва арифметик оғишлари ($M \pm m$ формула асосида) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Гуруҳларда сифат белгиларини ўчраш сонини фарқлаш χ^2 мезонлари орқали амалга оширилди. Олиб борлган даво муолажаларини самарадорлигини баҳолашда 95% ли ишонч интервали орқали имкониятлар нисбати ҳамда нисбий хавф аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди. Тадқиқотда махсус биокимёвий кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш учун регрессион таҳлилдан фойдаланилди.


Диссертациянинг “**Ўсмирлар орасида сурункали буйрак касаллиги ривожланиши хавф омиллари ва клиник-лаборатор хусусиятлари таҳлили**” номланган учинчи бобида, ўсмирлар орасида СБК ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари учраш частотаси ва таъсир даражаси таҳлил қилинди. Хавф омиллари орасида энг кўп аҳамиятли бўлганлари бу – организмда мавжуд сурункали яллиғланиш ўчоқлари 51,8%, энергетик ичимликлар истеъмол қилиш 46,7%, ортиқча тана вазни ва семизлик 45,2%, овқат рационидagi тез тайёр бўладиган овқат махсилотлари устунлиги (охирги 5 йилда деярли ҳар куни хот-дог ва бургерлар, тез тайёрланувчи лапша дудланган колбаса, рационда кўкат, нўхатлар, табиий маҳсулотлар кам) 44,5%, анамнезида оғир кечган алергик диатезлар мавжудлиги 40,5% ҳолларда аниқланди. Кейинги ўринларни хомиладорлик пайтида онасидаги нефропатия (30,5%), гиподинамия (30%)

анамнезида рахит билан оғриганлар (26,6%), анамнезда чала туғилганлик (25,7%), анамнезида паразитар касалликлар (24%), анамнезда оғир кечган аллергик реакциялар (21,3%) оилавий анамнезида буйрак патологияси аниқланганлар (20,5%) ва чекиш (20,4%) кузатилди. Шунингдек хавф омиллар учрашининг жинс аспектида яшаш муҳити билан боғлиқлиги таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики ўсмирлар орасида СБК ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари учраш даражаси жинс билан боғлиқлик жиҳатлари мавжуд. Жумладан қиз болалар орасида ортиқча тана вазни (51,7%), анамнезида аллергик диатез (50%) ва анамнезида паразитар касалликлар (28,7%) каби хавф омиллари кўпроқ аниқланган бўлса, ўғил болалар орасида энергетик ичимликларни кўп истеъмол қилиш, овқат рационида фаст фудлар устунлиги ҳамда қиз болаларда учрамаган ҳолда чекиш (мос ҳолда 46,6%; 43,2%; 20,4%) кўпроқ кузатилди. Шунингдек ҳар иккала жинсда организмдаги сурункали яллиғланиш ўчоқлари мавжудлик омили аҳамиятли кўрсаткичга эга (мос ҳолда ўғил болаларда 50,5% ва қиз болаларда 53,4%).

Хавф омиллари учраш даражасининг ўсмирлар яшаш шароити ва турмуш тарзига боғлиқлик жиҳатларининг солиштирма таҳлилида эса хавф омилларининг яшаш муҳитига боғлиқ ҳолда учрашида кескин фарқ қиладиган ҳолатлар мавжуд. Жумладан қишлоқда яшовчиларда шаҳарда яшовчиларга қараганда сурункали яллиғланиш ўчоқларининг мавжудлиги 1,43 марта (мос ҳолда 62,2%, 43,3%), ҳомиладорлик пайтида онасидаги нефропатия 1,8 марта юқорилигини (40,7%) ҳомиладорлик пайтида онасидаги нефропатия анамнези нисбатан 1,8 марта кўпроқ аниқланди (мос ҳолда қишлоқда яшовчи ўсмирларда 40,7% ва шаҳарда яшовчи ўсмирларда 22,1%), ҳамда шаҳарда яшовчиларда овқат рационида фаст фудларнинг устунлик қилиши 1,53 марта (52,8%) фарқ қилишини кузатдик. Ўғил болалар орасидаги чекиш шаҳарда яшовчилар орасида қишлоқ шароитида яшовчилардан кўра 1,46 марта кўпроқ учраши аниқланди. Қишлоқ муҳитида яшовчи ўсмирлар орасида ҳамда шаҳарда яшовчи ўсмирларда деярли тенг нисбатларда энергетикларни суистеъмол қилиш (мос ҳолда 48,3% ва 46,7%), ортиқча тана вазни ва семизлик (мос ҳолда 42,4%, 47,6%), анамнезида аллергик диатез (мос ҳолда 41,3%, 40%), анамнезида рахит (мос ҳолда 27,3%, 26%), яқин қариндошларида буйрак касалликлари (мос ҳолда 22,1%, 19,2%) деярли тенг нисбатларда учрашини кузатдик.

Ушбу бобнинг “**Ўсмирларда буйрак коптокча фильтрациясини баҳолаш усуллари таҳлили**” деб номланган бўлимида тадқиқотга жалб қилинган беморларда БКФТ креатинин (скрининг), цистатин С ва KDIGO (2024) клиник тавсияномалари бўйича комбинацияланган Schwartz формуласи (creatinin + cystatin C) формуллари асосида аниқланиб, коптокча фильтрация тезлиги асосида 2 гуруҳга бўлинган: 1. Хавф гуруҳи (БКФТ нормада, лекин хавф омиллари мавжуд) ва 2. Асосий гуруҳ (хавф омили фонида СБК турли клиник босқичлари аниқланган) ларга бўлинган.

Асосий гуруҳ ўсмирларида БКФТ юқорида таъкидланган ҳар 3 усулда аниқланиб, СБК клиник босқичлари баҳоланган ва усуллар натижалари солиштирма таҳлил қилинган (2-расм).



2-расм. Ўсмирларда БКФТ тақсимланиши: Schwartz усуллари бўйича солиштирма таҳлил (KDIGO 2024), %

Солиштирма таҳлил натижалари шуни кўрсатганки, креатинин асосидаги Schwartz усули мушак массасига боғлиқ бўлганлиги сабабли ўсмирларда гиперфилтрацияни ортикча баҳолаш тенденциясига эга. 61 % ҳолатда $eGFR \geq 120$ мл/1,73 м² чиқади — яъни, реал ҳолатда нормал ёки чегарада бўлган беморлар "соғлом" деб баҳоланади. Айтиш лозимки, бу усул спорт билан шуғулланувчи ёки юқори мушак тўқимасига эга ўсмирларда ишончсиз бўлиши мумкин.

Цистатин С асосидаги Schwartz усулида БКФТ нинг метаболизмга боғлиқлиги бўлмаганлиги учун мушак масса таъсири кам бўлсада, бироқ, яллиғланиш, қалқонсимон без фаолияти, ёки юқори салбий энергетик ҳолат (катаболизм) таъсирида Цистатин С сунъий равишда ошиши мумкин. Ушбу усулда субклиник нефропатияни эрта аниқлаш имкони бўлсада, айрим ҳолларда “сохта кучайтирилган ташхисот” хавфи бор.

Комбинацияланган Schwartz усули (Креатинин + Цистатин С) икки маркернинг афзал жиҳатларини бирлаштиради, шу сабабли БКФТ ни баҳолашда хатоликлар кам бўлади. KDIGO 2024 тадқиқотларида бу усулнинг хатоликлар коэффиценти паст ва корреляция юқори ($r \approx 0,86$, $p < 0,001$) эканлиги исботланган. KDIGO (2024) тавсияларига кўра ўсмирлардаги БКФТ ҳисоблашда биринчи танлов формула сифатида тавсия этилади. Комбинация усули натижаси орқали СБК 1–3 аниқланиш даражаси 3–5 % га ошади, бу эса эрта диагностика учун муҳим клиник афзалликдир.

Тадқиқотда ўсмирлар орасида СБК эрта босқичлари симптомсиз кечишини инобатга олиб, эрта диагностика ва башоратлашнинг лаборатор маркерлари аҳамияти ўрганилган ва баҳоланган. Жумладан қондани кальций миқдори, рух микроэлементи миқдори, витамин Д ва СРО кўрсаткичлари текширилган ва натижалар таҳлил ўтказилган (1-жадвал)

1-жадвал

Хавф гуруҳи ва асосий гуруҳда биокимёвий кўрсаткичлар таққосланиши (M ± m)

Кўрсаткич	Хавф гуруҳи (n = 216)	Асосий гуруҳ (n = 164)	p <
Креатинин (мкмоль/л)	71 ± 2.1	104 ± 3.8	0.001
Цистатин С (мг/л)	0.87 ± 0.04	1.42 ± 0.06	0.001
Кальций (ммоль/л)	2.42 ± 0.03	2.21 ± 0.05	0.01
Натрий (ммоль/л)	139 ± 1.1	134 ± 1.4	0.05
Витамин D (нг/мл)	28.6 ± 1.3	17.9 ± 1.1	0.001
Рух (мкмоль/л)	14.2 ± 0.7	10.1 ± 0.6	0.01
С-реактив оқсил , (мг/л)	2.9 ± 0.4	6.8 ± 0.6	0.001

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, хавф гуруҳи ва асосий гуруҳдаги ўсмирларда БКФТ ва лаборатор маркерлар орасидаги корреляцион боғлиқликларни баҳоладик (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида СБК хавф омили деб баҳоланган лаборатор маркерлар ва БКФТ орасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлили

Кўрсаткич	Хавф гуруҳи (n=216)	Асосий гуруҳ (n=164)
СРО	r = -0.38, p<0.05	r = -0.78, p<0.001
Рух	r = 0.42, p<0.01	r = 0.68, p<0.001
Витамин D	r = 0.45, p<0.05	r = 0.73, p<0.001
Кальций	r = 0.37, p>0.05	r = 0.59, p<0.01

Ушбу лаборатор маркерларнинг ўсмирларда СБК ривожланишидаги предикторлик аҳамиятини аниқлаш мақсадида маркерларнинг СБК клиник боғлиқлари билан корреляцион боғлиқликлари баҳоланган (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий гуруҳ ўсмирларида СБК ва лаборатор маркерлар корреляцияси таҳлили (n = 164)

Кўрсаткич жуфти	r (коэффициент)	p-қиймат
СБК ↔ СРО	+0.78	<0.001
СБК ↔ Рух	-0.68	<0.001
СБК ↔ Витамин D	-0.73	<0.001
СБК ↔ Кальций	-0.59	<0.01

СРО ва СБК клиник даражалари орасида кучли мусбат боғлиқлик ($r = +0.78$, $p < 0.001$) мавжуд бўлиб, бу ўсмирларда СБК даражаси ошиши билан яллиғланиш фаолияти кескин кучайишини кўрсатади. Хулоса қилиш мумкинки ўсмирларда СРО — СБК даражасининг эрта динамик кўрсаткичи, яъни субклиник яллиғланиш СБК босқичи билан бевосита боғлиқ.

Рух ва СБК орасида кучли тескари корреляция бўлиб ($r = -0.68$, $p < 0.001$), рух миқдори пасайиши ўсмирларда антиоксидант ҳимоя тизими сустлигини кўрсатади. Ўсмирларда рух танқислиги — нефропатиянинг патогенетик фонидagi метаболик стресс маркери сифатида қабул қилиниши лозим. Витамин D ва СБК орасида ҳам кучли тескари боғлиқлик ($r = -0.73$, $p < 0.001$) аниқланди. Бу шуни англатадики витамин D пастлиги ўсмирларда СБК клиник даражаси ошиши билан кескин боғлиқ. Хулоса қилиш мумкинки, ўсмирларда витамин D пастлиги — нефрон функцияси пасайишининг мустақил биомаркери. СБК ва кальций миқдори орасида ҳам кучли тескари боғлиқлик кузатилди ($r = -0.59$, $p < 0.01$). Кальций даражаси паст бўлган ўсмирларда СБК клиник даражаси юқори, яъни нефропатия прогрессияси кучли. Бу ўсмирларда кальций пасайиши СБК босқичи ошиши билан суст суяк ўсиши ва фосфор-кальций алмашинувининг издан чиқишини кўрсатади.

Корреляцион кўрсаткичлар изоҳи асосида асосий гуруҳдаги ўсмирларда СБК ривожланиши патогенетик занжири баҳоланди:

СРО↑ → Zn↓ → Витамин D↓ → Ca↓ → СБК↑.

Бу занжир ёш СБК беморларида нефрон функциясининг пасайишига параллел кечувчи яллиғланиш ва метаболик бузилиш тизимини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Ўсмирларда сурункал буйрак касаллики ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини интеграл баҳоланиш ва профилактика йўллари оптималлаштириш**» деб номланган. Ушбу бобда ўсмир ёшдагилар орасида СБК ривожланишини эрта аниқлаш ва башоратлаш самарадорлигини оширишга қаратилган натижалар таҳлили келтирилган. Бунда ўрганилган хавф омиллари ва лаборатор маркерларнинг учун χ^2 , OR ва 95% ишонч интервалар ҳисоблаб чиқилиб (4-жадвал).

4-жадвал

Ўсмирларда сурункали буйрак касаллиги билан боғлиқ хавф омилларининг учраш частотаси ва статистик боғлиқлиги

Хавф омили	χ^2	P	OR	95% CI интервал	RR	wi	ишонч интервали
Ортиқча тана вазини ва семизлик	35,8	0,001	3,572	2,35-5,51	1,966	1,273	0,919
Анамнезида чала туғилганлиги	12,1	0,001	2,262	1,42-3,63	1,831	0,816	0,589
Анамнезида аллергик диатез	36,9	0,001	3,637	2,4-5,64	2,121	1,291	0,932
Анамнезида рахит	6,74	0,005	1,831	1,16-2,92	1,549	0,605	0,437
Яқин қариндошларида буйрак касалликлари	5,73	0,005	1,830	1,11-3,04	1,618	0,605	0,436
Ҳомиладорлик пайтида онасидаги	15,26	0,001	2,392	1,54-3,75	1,832	0,872	0,630

нефропатия							
Организмдаги сурункали яллиғланиш ўчоқлари	24,71	0,001	2,865	1,89-4,4	1,631	1,052	0,760
Анамнезида аллергия реакциялар (антибиотик, хашарот чақиши, вакциналар)	12,6	0,004	2,433	1,48-4,05	2,017	0,889	0,642
Чекиш	8,59	0,003	2,600	1,35-5,15	2,371	0,956	0,690
Энергетиклар истеъмол қилиш	39,24	0,001	3,804	2,5-5,6	1,985	1,336	0,965
Овқат рационидида фаст фудлар устунлиги	41,92	0,001	3,995	2,6-6,2	2,107	1,385	1,000
Кам сув ичиш	19,6	0,001	2,956	1,82-4,89	2,305	1,084	0,783
Гиподинамия	1,72	0,05	1,342	0,86-2,1	1,228	0,294	0,212
Анамнезида паразитар касалликлар	0,82	0,05	1,244	0,77-2,0	1,180	0,218	0,158
СРО ошиши	9,51	0,01	1,63	0,9-2,9	1,073	0,476	0,475
Рух ианқислиги	4,31	0,05	1,24	0,65-2,35	1,024	0,201	0,201
Витамин Д танқислиги	6,48	0,05	1,37	0,79-2,37	1,054	0,305	0,304
Гипокальцемиа	37,6	0,001	2,74	1,78-4,24	1,479	1,002	1,000

Таҳлил натижалари СБК ривожланиши билан энг кучли боғлиқ бўлган омиллар Fast food маҳсулотлари ($\chi^2=41.92$; OR=4.03; 95% CI: 2.62–6.19), энергетик ичимликлар ($\chi^2=39.24$; OR=3.83; CI: 2.50–5.89), аллергия диатез ($\chi^2=36.24$; OR=3.66), ортиқча тана вазни/семизлик ($\chi^2=35.83$; OR=3.60), сурункали яллиғланиш ўчоқлари ($\chi^2=24.71$; OR=2.88) каби омиллар энг юқори статистик аҳамиятга эга бўлди ($p<0.001$). Бу ҳолатлар ушбу омиллар СБК ривожланишининг мустақил ва клиник жиҳатдан муҳим предикторлари эканлигини кўрсатади.

Антенатал ва ирсий омиллар таъсири орасида онада хомиладорлик пайтида нефропатия бўлган ўсмирларда СБК хавфи 2.4 баробарга ошган ($\chi^2=15.26$; OR=2.40; CI=1.54–3.75). Чала туғилганлик ($\chi^2=12.12$; OR=2.27) ва қариндошлар орасида буйрак касаллиги мавжудлиги ($\chi^2=5.73$; OR=1.84) ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Бу натижалар буйрак нефронлари сони камлиги ёки генетик мойиллик келажакда СБК хавфини оширишини кўрсатади.

Логарифмик OR асосида ўсмирларда СБК хавфини баҳолайдиган интеграл индекс — IRI (Integrated Renal Risk Index) илк бор ишлаб чиқилган (5-жадвал).

Бу жадвал ёрдамида ҳар бир бемор учун СБК ривожланиш эҳтимоли рақамли кўринишда (IRI) аниқланади. У ўсмирларда симптомсиз ҳолатдаги нефропатия хавфини эрта башорат қилиш имконини беради. Бу усулни кейинчалик диагностик балл шкаласи, электрон калькулятор ёки клиник дастурга айлантириш мумкин.


Хавф гуруҳидаги беморларда СБК ривожланишнинг хавф индексини аниқлаш таҳлили

IRI қиймати	Хавф даражаси	Клиник маъноси
0 – 3.5	Паст хавф	СБК ривожланиши эҳтимоли минимал, кузатув кифоя
3.6 – 7.5	Ўрта хавф	Бир нечта хавф омиллари мавжуд, профилактика чоралари зарур
7.6 – 11.13	Юқори хавф	Нефропатия ривожланиш эҳтимоли катта, фаол даво ва нефролог назорати керак

Тадқиқот ишига жалб қилинган, лекин СБК аниқланмаган хавф гуруҳига кирувчи 216 нафар ўсмирлар орасида ўтказилган сўровнома, лаборатор таҳлиллар натижаларига асосланиб, хавф индекси аниқланди ва хавф гуруҳлари шакллантирилди (4.1 – расм).

Хавф гуруҳига киритилган, яъни СБК аниқланмаган, аммо уни ривожлантириш эҳтимоллиги юқори бўлган омиллар мавжуд ўсмирларнинг 32,9% паст хавф гуруҳига, 42,6% ўрта хавф гуруҳига ва 24,5% юқори хавф гуруҳига киритилди. Прогностик шакла бўйича баллар паст хавф гуруҳида 2,27 баллни, ўрта хавф гуруҳида 5,92 баллни ташкил этди. Юқори хавф гуруҳининг ўртача балл қиймати 8,84 баллни ташкил этиб, шу жумладан 9 балл ≤ юқорилар улуши 19 нафар (16,9%) ни ташкил этиб, бу ўсмирлар бевосита профилактик нефропротекцияга мухтож деб баҳоланди.

Тадқиқотда ўсмирлар орасида СБК ва уни келтириб чиқарувчи хавф омилларни эрта аниқлаш ва ривожланишининг олдини олиш усулларини оптималлаштириш режалаштирилган бўлиб, бу борада СБК эрта аниқлаш тактикасини самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси скрининг эканлиги таъкидланиб, бунда хавф омиллари ва уларнинг СБК ривожланишига таъсирини аниқлашнинг энг замонавий усулидир.



3-расм. Тадқиқотнинг хавф гуруҳига киритилган ўсмирлар орасида сурункали буйрак касаллиги ривожланишини башоратлаш прогностик матрица таҳлили

Ўсмирларда СБКни эрта аниқлаш ва профилактика алгоритми ишлаб чиқилган. Бу алгоритм (4- расм) СБКни клиник белгилари йўқ пайтдаёқ аниқлаш имконини беради ИРИ (Интеграл Риск Индекси) клиник амалиётга жорий этиш — прогноз аниқлигини 2.1 марта оширади Патогенетик профилактика (D-витамин, нефропротектор, сурункали инфекцияни бартараф этиш) нефрон йўқотилишини 34–48% га камайтиради.



4-расм. Ўсмирлар орасида сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш, башоратлаш ва олдини олиш поғонали алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Ўсмирларда сурункали буйрак касалликлари ривожланиши хавф омиллари ва эрта ташхисот жиҳатларини баҳолаш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тадқиқот натижаларига кўра, ўсмирларда сурункали буйрак касалликлари кўп ҳолларда клиник белгиларисиз, субклиник ҳолатда кечади. Скрининг текширувлари орқали I–II босқич нефропатия ҳолатлари аниқланганлиги, касалликни фақат клиник симптомларга асосланиб аниқлаш етарли эмаслигини ва СБКни ёрдамчи лаборатор методлар орқали эрта текшириш зарурлигини кўрсатди.

2. Ўсмирлар орасида СБК ривожланишига олиб келувчи хавф омилли комплекс ўрганилганда буйракка салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўпинча яллиғланиш, нутритив бузилиш, иммунологик фон ёки она саломатлиги билан боғлиқ ҳолатлардан иборат бўлиб, улар модификацияланадиган ва профилактикага мўлжалланадиган асосий предикторлар сифатида баҳоланиши лозим

3. Хавф омилларининг ҳар бири учун χ^2 , RR, OR ва 95% ишонч интерваллари баҳоланиб, энг юқори прогностик қийматга эга хавфлар сифатида ўсмирлар организмдаги сурункали яллиғланиш ўчоқлари (OR=2,81), ортиқча тана вазни (OR=3,57), энергетик ичимликлар ва фаст фудлар суистемоли (OR=3,89), аллергия анамнез (OR=3,6) қайд этилди. Бу хавф омиллари БКФТ пасайиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги исботланди.

4. Ўсмирларда буйрак шикастланишини эрта аниқлашда СРО юқорилиги (OR=1.63), кальций танқислиги (OR=2.74), витамин D пастлиги (OR=1.37) етишмовчилиги СБК ривожланишининг мустақил лаборатор маркери сифатида таклиф этилди. Ушбу кўрсаткичлар СБК ташҳисида фақат креатинин ва БКФТга таянишдан кўра яхшироқ прогноз бериш қобилиятига эгаллиги аниқланди.

5. Ушбу тадқиқотда биринчи марта ўсмирларда СБК хавфини аниқлаш учун логарифмланган OR асосида интеграл хавф индекси (IRI – Integrated Renal Risk Index) яратилди. IRI қийматлари бўйича хавф даражаси гуруҳларига ажратилди. СБКни эрта аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш учун поғонали (step-by-step) клиник алгоритм ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

ОЛИМОВА ГУЛХАЁ ШАМШЕР КИЗИ

**ОЦЕНКА ФАКТОРОВ РИСКА И АСПЕКТЫ РАННЕЙ
ДИАГНОСТИКИ РАЗВИТИЯ ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ ПОЧЕК У
ПОДРОСТКОВ**

14.00.05 - Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара-2025

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2023.3.PhD/Tib3757.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Ахмедова Нилуфар Шариповна,
д.м.н., профессор

Официальные оппоненты:

Ведущая организация:

Защита диссертации состоится "___" _____ 2025 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, город Бухара, улица Гиждуван, дом 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована под № ____). Адрес: 200118, город Бухара, улица Гиждуван, дом 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан "___" _____ 2025 г.
(Протокол в реестре № ____ от "___" _____ 2025 г.).

Д.Т. Ходжиева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н. Каримова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.А. Ихтиярова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Подростковый возраст является важным этапом в жизни человека, когда происходит физиологический рост, гормональные изменения и формирование образа жизни. Модифицируемые факторы риска, возникающие в этот период - ожирение, гипертония, метаболический синдром, неправильное питание и раннее воздействие нефротоксических веществ - могут негативно влиять на функцию почек. Около 20% населения мира составляют подростки. Несмотря на то, что подростки составляют значительную часть населения мира, диспропорция в усилиях по охране их здоровья и благополучия, включая хроническую болезнь почек (ХБП), остается актуальной. Меры по раннему выявлению ХБП среди подростков реализуются значительно реже, что, вероятно, связано с более высокой заболеваемостью среди взрослых. Нефропатии у подростков - одна из актуальных проблем в области нефрологии. Своевременная диагностика и раннее лечение предотвращают переход заболевания в хроническую почечную недостаточность, необходимость вспомогательной почечной терапии (гемодиализ) в период инвалидности и молодости (Solis-Herrera, Carolina et al., 2024). Распространенность хронической болезни почек среди детей и подростков составляет около 11%. Научные исследования показали, что причины этого заболевания связаны с врожденной патологией почек в 74,6% случаев и приобретенной нефропатией в 24,3% случаев (Иванова И.Е., 2014).

Согласно статистическим данным Всемирной организации здравоохранения за последнее десятилетие (2007-2016 гг.) Среди молодых людей в возрасте от 25 до 34 лет уровень нуждаемости в диализе увеличился на 57%, что значительно выше, чем у населения старше 65 лет (35%)³. ХБП и терминальная почечная недостаточность являются длительными заболеваниями, поэтому в вышеуказанной возрастной группе не исключено, что заболевание началось в подростковом возрасте.

Согласно результатам скрининга, проведенного в Узбекистане (2012), хотя случаи диабетической нефропатии с выраженной протеинурией среди детей, подростков и взрослых относительно уменьшились, они все еще остаются на высоком уровне (Рахимова Г.Н., 2020). В частности, у детей - 5,28%, у подростков - 11,1%, у пациентов старшего возраста - 25,9%. В нашей стране реализуется ряд целенаправленных мер по поднятию медицинской сферы на уровень мировых стандартов и повышению качества медицинских услуг, предоставляемых населению. Определены такие задачи, как "...предупреждение, ранняя диагностика, лечение и контроль неинфекционных заболеваний и факторов их риска, профилактика по снижению преждевременной смертности и заболеваемости населения...". Реализация этих задач позволит улучшить качество жизни и увеличить продолжительность жизни пациентов с сердечно-сосудистыми

³ Nakamura, J., Kaseda, R., Takeuchi, M. et al. Adolescents and parents' knowledge of chronic kidney disease: the potential of school-based education. Clin Exp Nephrol 29, 2025. P. 292–300. <https://doi.org/10.1007/s10157-024-02574-8>

заболеваниями и их тяжелыми осложнениями, которые широко распространены среди населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы”⁴, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-5124 от 25 мая 2021 года “О мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения” и № ПП-215 от 25 апреля 2022 года “О дополнительных мерах по приближению первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности медицинских услуг”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), распространенность ХБП среди подростков составляет в среднем 74-110 случаев на 100 000 подростков. По данным США и стран Европы, наиболее частыми причинами ХБП среди детей и подростков являются врожденные аномалии, нефротический синдром и гломерулонефриты (Warady BA et al., 2015; Harambat J. et al., 2012). ХБП у подростков - это быстрорастущая медико-социальная проблема, часто связанная с ранним развитием нефропатий, врожденных аномалий, нарушений обмена веществ и влиянием внешних неблагоприятных факторов. В то же время особого внимания заслуживают современные исследования, показывающие взаимосвязь между образом жизни, пищевыми привычками подростков и развитием нефропатий. Подобные исследования имеют большое практическое значение для совершенствования профилактических мер и стратегий ранней диагностики (Debra Braun-Courville, Sarah Holliday, Neerav Desai, 2024).

